# 1 ОКТЯБРЬ — ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 27 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 38 (6684)

**Пиримқул ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:**

## УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Ҳар бир халқ яхлит миллат бўлиб шаклланаётган даврда маърифат ва маданиятга жуда катта эҳтиёж сезади. Чунки турли вилоят ва қишлоқларда, азалдан қабила ва уруғларга бўлиниб, тарқоқ ҳолда яшаб келган элни ягона миллий ғоя атрофига йиғиш, халқнинг узлигини узига танитиш ва катта мақсадлар сари бошлаб бориш учун унинг кўзини очиш, онгига билим, маърифат чироқларини ёқиш, қалбини юксак маънавий қадриятлар билан бойитиш зарур.

Бу заруриятни асримиз бошида беҳад теран ҳис қилган сиймолар — Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — ҳаммалари янги мактаб учун, халқ таълимини яхшилаш учун астойдил жон куйдирганлар. Ва бугун нажот илму маърифатда эканини барча авлодлар қалбига сингдиришга уринганлар. Уларнинг энг юксак орзулари — мустамлака зулмидан қутулиш эди. Аммо бу орзуга етиш учун ҳам халқимиз жаҳонинг илгор тафаккури ва илму маърифати билан қуролланиши зарур эканлигини улар яхши билганлар. Шунинг учун биз маърифатпарварларни истиқлол учун жон фидо қилган буюк курашчилар ва миллатимизнинг ўлмас муаллимлари деб атаймиз.

Бугун ўша улуғ сиймолар орзу қилган Истиқлолга эришган давримизда уларнинг бундан қарийб юз йил олдин мактабни янгилаш, маърифатни устивор йўналишга айлантириш, таълим-тарбияни жаҳоннинг илгор мамлакатларидаги даражага етказиш учун жон қўйдирганларида қанчалик катта ҳақиқат ва мантиқ борлигини бугун амалда қуриб турибмиз. Истиқлолни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, айни вақтда дунёнинг илгор мамлакатлари сафига етиб олиш учун илму маърифатни тезроқ юксалтириш, таълим-тарбияни тубдан яхшилаш биз учун аввалгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Бугун касб байрамини мамлакат миқёсида нишонлаётган ўқитувчилар, маорифчилар, таълим-тарбия соҳасининг барча ходимлари тарихий тараққиётимизнинг энг масъулиятли жабҳасида ишламоқдалар. Энг яхши муаллимларни мен миллатимизнинг маънавий оталари дегим келади. Энг яхши муаллималаримизни миллатимизнинг маънавий оналаримиз десак арзийди. Биттагина оилада 4—5 фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш учун ота-она қанчалик кўп меҳнат қилиши, қанча фидокорликлар кўрсатиши кўпчиликка маълум. Энди буни Узбекистондай мамлакатнинг миллион-миллион ўқувчи болаларига жон фидо қилиб ишлаётган муаллим ва муаллималаримиз фаолиятига таққослаб кўринг. Ўшанда чин ўқитувчилик ҳақиқий қаҳрамонлик эканлигига иймон келтириш мумкин.

Барча муаллимларни касб байрами билан самимий, қалбдан табриклар эканман, бизга қилган яхшиликлари, берган билимлари учун миннатдорчилик айтмоқчиман. Агар биз бирон яхши иш қилган бўлсак, ёзган китобларимиз одамларга озгина наф келтирган бўлса, буларнинг ҳаммасида муаллимларнинг катта ҳиссалари бор.

Муаллимларимиз ҳамиша бизнинг устозларимиздек азиз ва муътабардирлар. Устозлар шогирдлар қалбида бебаҳо маънавий бойликлар яратадилар. Улар тарбиялаб, ҳаётга йўлланма берган ёшлар орасида моддий бойликлар яратадиганлар ҳам чиқади, албатта. Лекин ўқитувчи учун маънавий бойлик яратиш биринчи вазифадир. Уларнинг шогирдлари иқтисодда ҳам, маданиятда ҳам оламшумул юксакликларга кўтарилади, деган умид қиламиз. Ўшанда улар ўзлари кўтарилган энг баланд чўққиларда туриб, ўз муаллимларини эзгу туйғулар билан ёдга оладилар ва уларга таъзим қиладилар. Устозларга таъзим шогирдларнинг олий бурчидир.

## Илм дунёсининг сарбонлари

*Ҳали дунё юкин тортмаган бола,*
*Туну кун ўйиндан ортмаган бола,*
*«Дўстлари» бағрида кўкси тоғ бола,*
*Гўдак оламига ўзи шоҳ бола,*
*Масъум нигоҳида порлатиб қўёш*
*Сизнинг қаршингизда ўлтирар ювош.*

*Устоз!*
*Сиз сўзлайсиз тоғ жилғалари*
*Гўдак ҳайратига эйланиб борур.*
*Шу дамда бу жажжи тафаккур ногоҳ*
*Ою қуёш қадар бирдан юксалур.*
*Сиз — илк дунё сирин очар дунёсиз,*
*Туби гавҳарга бой ўйчан дарёсиз.*

*Мен қандай унутай оққуш пати-ла*
*Қўлим тутиб илк бор хат битганингиз.*
*Совуқдан кўкарган жажжи муштларни*
*Пуф-пуфлаб бирма-бир иситганингиз.*
*Меҳру оқибатни элтар карвон — Сиз*
*Илм дунёсига собир сарбон — Сиз.*

*Ўзлигин англаган ҳар илми толиб*
*Ҳазрат Навоийдан кетолмас узоқ.*
*Туркий оҳангларни, миллат севгисин*
*Ҳеч ким англатолмас сиздан яхшироқ.*
*Диёрим кўкида шонга тўлганлар*
*Сизнинг қошингизда бола бўлганлар.*

*Сиз бир сарин эпкин, мудом қувлаган*
*Мудроқ вужуддаги мудроқ хобларни.*
*Мен бугун кўзимга суриб яшайман,*
*Сиз қалбимга қўйган изтиробларни.*
*У изтироб Ватан, миллат дардидир,*
*Буюклар армони, ёди, гардидир.*

*Устоз!*
*Билолмадим, муносиб сўзни*
*Шаънингизга атаб қачон битаман.*
*Ва лек ёруғ юзим қалбингиздаги*
*Тиниқ булоқларга ювиб ўтаман.*
*— Қалбимда тиклаган яшил туғим — Сиз,*
*Шоҳда беғубор элтган она Бугум — Сиз!*

**Шарифа САЛИМОВА**

## БАЙРАМ ЙЎҚЛАМАСИ

*1. МАКТАБДАГИ ҲАЁТИНГИЗНИ ЭСЛАБ ТУРАСИЗМИ?*
*2. УСТОЗЛАРИНГИЗ СИЗГА У ЁКИ БУ МАСАЛАДА КЕЛИШГАНМИ? ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРГАНСИЗ?*
*3. МУАЛЛИМЛАРГА ТИЛАКЛАРИНГИЗ?*

Дилбар ҒУЛОМОВА,
Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси:

1. Мактаб йилларини эсламай бўладими? Ўқувчилик — ширин давр. Ўн йиллик умрингиз кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Сўнг, орадан кўп йиллар ўтиб, мактабни эсласангиз, ўқитувчиларни, синфдошларни кўз олдингизга келтирсангиз, юрагингизни қандайдир энтикиш чулғайди. Шунда мўъжиза рўй бериб, болаликка қайтгингиз келади. Афсуски, вақт елдирим, одамзотга бўйсунмайди...

Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида жойлашган 76-ўрта мактабда таҳсил олдим. Физика-математика ўқитувчиси Умри Собирова менга жуда яқин устоз эди. Ана шу фанларга беҳад қизиқардим. 1958 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига кириш имтиҳонларини топшираётганимда имтиҳон олган домлалар «Ўқитувчиларингизга минг раҳмат!» дейишганини жуда яхши эслайман. Ўшанда ҳаяжондан юрагим ҳаприқиб кетган. Демак, мен талабаликка лойиқман. Энди эса ўша бахтга устозларим туфайли мушарраф бўлганимни ҳам тан оламан.

2. Афсуски, келишмаган. Ҳаёт шунақаки, ҳеч ким ўзидан ортмайди. Агар устозларим мендан ёрдам сўраб келсалар, қўлим кўксимда ва бажонидил уларга кўмак берардим. Ахир, шундай юқори лавозим мартабаларга эришишим ҳам устозларим туфайлидир.

3. Жамиятимиздаги ҳар бир инсонга муаллимнинг меҳнати сингади. Демоқчиманки, зиё тарқатувчи, билим берувчи инсон ўқитувчига сиғинмоқ керак. Улар ҳар биримизнинг қалбимизда яшаётган маъбудага ўхшайди...

Мен устозларимизга бардош, соғлик тилайман. Китобийроқ тилда гапирсам, улар ўз ўқувчилари учун камолот намунаси бўлишсин. Обрўларини йўқотишмасин! Йигитларни ҳаётга тайёрлашда мардлик-матонат уларга ёр бўлсин. Қизларимиз камолотида нозиктаъблик, саранжом-саришталик, орасталик тилайман уларга!

Шукур ТЕМИРОВ,
Узбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси:

1. Ўқувчилик даврим ўз қийинчиликлари билан хотирамда муҳрланиб қолган. Боиси, бу давр урушнинг охири ва ундан кейинги паллаларга тўғри келган. Ҳар қанча қийинчиликларга қарамай, барча тенгқурлар қунт ва сабот билан ўқир эдик. Устозларимиз ҳам шунга даъват этар ва қизиқтирар эдилар. Ўқитувчиларимиз ўгитларига амал қилиб, кам бўлмадик. Эл назарига тушдик. Барча қатори мен ҳам мактаб бағрида кечган ўқувчилик йилларимни соғинч ва ҳаяжон билан эслаб тураман.

2. Тошкент шаҳридаги 24-мактабда, ўша вақтларда менга таълим ва тарбия берган устозларимнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Мен уларнинг хотираларини ҳамиша ҳурмат билан ёдга оламан. Ҳозир ҳаёт бўлган устозларимни эса мунтазам йўқлаб тураман. Умуман олганда, нафақат устозларим, балки барча ўқитувчиларга қўлимдан келганча ёрдам қилишга ҳаракат қиламан.

3. Донишмандлардан бири айтадики, «Ота-онам менга ёруғ дунёни кўрсатди, устозим эса мени осмон қадар юксалтирди». Демак, ҳар бир устоз ота-она каби инсон учун азиз ва мукррамдир. Доимо изланувчан, ҳақиқий миллатпарвар ўқитувчиларимиз соғ ва омон бўлиб, қилаётган меҳнатлари самарасини ўз ўқувчилари тимсолида кўриб юришларини тилайман.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
Академик, иқтисод фанлари доктори:

1. Эслаганда қандай... У кунларни унутиб бўлади, дейсизми? Ҳар қачон кўча-кўйда портфель кўтариб кетаётган болакайларга кўзим тушганда кўнглим алланечук бўлиб кетади. Лекин, очиқ гап, бир ҳол кайфиятимга анча салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳозирги ёшларда ўқиш-ўрганишга, китобга бўлган муҳаббат, иштиёқ анчайин пасайгандек кўринади. Бизнинг ўқувчилик давримиз бошқача эди-да... Ўқишни ҳам, ўйинқароқликни ҳам қойиллатардик. Айниқса, ўқитувчиларимизга кўзимиз тушди дегунча бир мўъжизавий инсонни кўргандек дарҳол ўзимизни четга тортиб, ҳурмат билан салом берардик...

2. Ҳозирча таълим берган устозларим жиддий масалаларда кўмак сўраб келган эмас. Лекин бир холис ниятли шогирд сифатида айтаманки, улардан ҳеч бир қўлимдан келадиган ёрдамимни аямайман.

3. Халқнинг дардини, ватаннинг улкан масъулиятини елкасига олган бундай фидойи кишиларга энг мўътабар тилаклар муносиб. Юрагимда муаллимларга айтар сўзларим кўп. Аввало, уларга метин ирода, ёрқин умид, сиҳат-саломатлик тилайман.

*Шогирдлар эҳтироми*

## РАҲМАТ СИЗГА!

Ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб билим олишга интилади, дунё сирларини ўрганади. Билим инсонни порлоқ келажакка олиб келади, деб бекорга айтишмаган.

Одам билим ўрганар экан, у барча нарсаларни китоблардан ўргана олмайди. Чунки китоб уммон бўлса, йўлбошчи керак. Унга буюк инсон — ўқитувчи, яъни устоз мадад бўлади. Устоз ўз шогирдига бор билимини бериб уни ўз даражасига, яна ҳам юқорига кўтаришга интилади, юртига фидойи ва фойдали инсон қилиб тарбиялайди. Устоз қанчалик қалби пок, меҳрибон, виждонли бўлса, шогирди ҳам шундай бўлишга итилади.

Юқоридаги фикрларнинг ҳаққонийлигини Янгийўл районидаги «Халқобод» лицей-интернати инглиз тили ўқитувчиси Бухажал опа Эргашеванинг «биринчи қалдирғоч»ларидан кўрса бўлади. Бу олижаноб, талабчан устознинг икки йиллик самарали меҳнатининг мевалари 1995 йил кириш имтиҳонларида кўзга яққол ташланди. Биз, унинг бирданига 11 шогирди — бу йил Тошкент давлат Жаҳон тиллари университетига имтиҳон топшириб, талабалар бўлдик.

Ҳа, бу меҳнатлар осонликча амалга оширилгани йўқ. Лицей директори Мирзакарим Худдиев бошчилигида Бухажал опа икки йил мобайнида анчагина қийинчиликлар, бедор кеча-кундузларга дуч келдилар, аммо яхши боғбон парваришлаган ниҳоллар гуллаб, мева бердилар.

Биз, устознинг шогирдлари, миннатдорчилик билдириб, келажакда ўзларига ўхшаган шогирдларни кўплаб ўлғайтиришларига тилакдош бўлиб қоламиз. Аввалгидек сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик ва келажакдаги ишларига муваффақият тилаймиз!

Отабек ИСРОИЛОВ, Рустам НАЗАРОВ, Шуҳрат КАРИМОВ, Зиёда БОБОЖОНОВА, Нилуфар ЭРМАТОВА, Феруза ЙЎЛДОШЕВА, Гулнора ҲУСАНОВА, Шоҳина ТУРСУНОВА, Собира ОРИПОВА, Навбаҳор ИМОМОВА, Шамсинур МАМАЖОНОВА.

Тошкент давлат Жаҳон тиллари университети талабалари.

*Маърифат хабарлари*

### КИТОБНИ ЎРГАНИШ

Гулистон давлат университетида Президент И. Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини урганиш бўйича махсус курс ташкил қилинди. 14 соатга мўлжалланган бу курс дастурини фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Абдиев тузган.

### БЕЛОРУСДА «ТУРОН» ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистонлик ўқувчилар анчадан буён Беларус республикасида яшовчи тенгдошлари билан «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказиб келаётган эди. Яқинда Минск шаҳридаги 24-мактабда навбатдаги мусобақа бўлиб ўтди. Унда Беруний шаҳрининг «Турон» командаси иштирок этиб, мезбонларни дорда қолдирди — команданинг 20 нафар аъзоси юртимизга ғолиблик сурури билан қайтдилар.

### ЭНГ ЗЎР ТАШКИЛОТЧИ КИМ?

Шу саволга ойдинлик киритиш мақсадида Шайхонтоҳур туманининг ўқитувчилари ўзаро беллашдилар. Қизиқ-қизиқ шартлар қўйилган, «Ганга» магазини ҳомийлик қилган ушбу «Ташкилотчи-95» курик-танловида 115-мактаб ўқитувчиси Фарҳод Файзиев биринчиликни қўлга киритди. Ғолибга қимматбаҳо совғалар ҳамда шаҳар беллашувида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

### ЯХШИЛИК

Фарғоналик мухлисимиз Неъматжон Рауфжоновнинг хабар беришича, Риштон маданият ва истироҳат боғида туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан хайрия туйи бўлиб, унда 47 нафар ёрдамга муҳтож, ночор оилаларнинг фарзандлари сунннатга етказилибди. Туман халқ таълими бўлими ва ўқитувчилар касаба уюшмаси қўмитаси томонидан «туй бола»ларнинг ҳар бирига бош-оёқ сарпо ҳамда жамғарма банкининг 500 сўмдан пул ёзилган ҳисоб дафтарчаси тухфа қилинибди. Ҳар қалай яхшилик яхши-да.

### ҚЎШКЎПИРДА ҚЎША-ҚЎША...

Қўшкўпирлик болаларга тобора кўпроқ қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, янги ўқув йилидан туманда учта мактаб: «Гулистон» жамоа хўжалигида 844 ўринли, Қўшкўпир шаҳарчасида 624 ўринли, «Обод» жамоа хўжалигида 464 ўринли янги илм муассасалари иш бошлади.

Айтганча, қўшкўпирлик маориф ҳомийлари шу билан фаолиятларини тугатиб қўя қолганлари йўқ — йил охиригача яна 464 ва 624 ўринли иккита мактаб қуриб, болаларга топширишмоқчи.

### 23 ЙИЛДАН КЕЙИН

Тошкентдаги 8,5 минг давлат ва тижорат ташкилотларининг, корхона ва бирлашмаларнинг телефон рақамларини ўз ичига олган (рус тилида) янги рангли кўрсаткич (справочник) нашрдан чиқди. Бу нашр биринчи маротаба 1972 йилда босилганди. Китобдан жуда кўплаб маълумотлар олишингиз мумкин. Ишбилармонларгагина зарур кўринган бу китоб барча ташкилотларга ҳам асқотиши турган гап. У узбек ва инглиз тилларида ҳам чиқарилиши мўлжалланган. Китоб нархи — 390 сум. Нусхаси — 30000. Пул ўтказиш йўли билан ҳам олиш мумкин: тел. 68-34-68, 68-08-17.

*Айёмингиз муборак!*

### ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

Самарқанд вилояти ҳокимлиги халқ таълими ходимларини рағбатлантириш учун мукофот таъсис этди. Академик Воҳид Абдуллаев номидаги ушбу мукофот ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўрнак кўрсатган умумий таълим мактаблари, мактаб-интернат, гимназия ва лицей ўқитувчиларига ҳамда техника билим юртлари ходимларига берилади. Мукофотга сазовор бўлганларга кўкракка тақиладиган нишон ва гувоҳномадан ташқари амалдаги энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

**Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

# ОТА-ОНА ВУЖУД МЕЪМОРИ БЎЛСА,

## БАЙРАМ ЙЎҚЛАМАСИ

*1. МАКТАБДАГИ ҲАЁТИНГИЗНИ ЭСЛАБ ТУРАСИЗМИ?*
*2. УСТОЗЛАРИНГИЗ СИЗГА У ЁКИ БУ МАСАЛАДА КЕЛИШГАНМИ?*
*ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРГАНСИЗ?*
*3. МУАЛЛИМЛАРГА ТИЛАКЛАРИНГИЗ?*

Азим СУЮН,
«Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати

1. Мактаб ҳаёти, ўқувчилик даври, айтиш мумкин бўлса, болалик, ўсмирлик, ёшликнинг уйғунлашган салтанатидир. Бу даврни эсламаган инсон бўлармикан? Мен у йилларни — олис Нурота тоғлари орасида жойлашган Накурт қишлоғидаги мактабимда кечирган дамларимни, 9-10-синфда ўқиган қўшни Гараша қишлоғидаги илм ўчоғини ҳамиша мароқ билан ёдга оламан. Гоҳ қувончдан энтикиб, гоҳ армонлардан хўрсиниб қуяман. Ҳар икки қишлоқдаги синфдошларимнинг бугунги ҳаётлари қаерларда кечаётган экан... Мен уларни соғинаман! Азиз муаллимларимни кўргим келади, улар билан суҳбат қургим келади, аммо ҳаёт шиддати, турмуш ташвишлари фурсат бермайди. Битта орзуим саккиз йил ўқиган Накуртдаги, икки йил ўқиган Гарашадаги мактабларимни бориб кўриш, муҳтарам ўқитувчиларим билан суҳбатлашишдир.

2. Бўлиб ўтган икки воқеани сўзлаб бераман. Биринчиси, бундан тўққиз-ўн йил аввал ўз она-қишлоғимдаги мактабга бордим. Биз ўқиган мактаб хароба ҳолга келиб қолган эди. Ўқитувчиларим иложи бўлса мактаб таъмирига, уни қайта қуришга ёрдам беришга даъват этди. Ўша пайтда мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб бўлиб ишлардим. Самарқанд вилояти партия қўмитасининг 1-котибига мактабга ёрдам беришни илтимос қилиб хат йўлладим. Мактаб қайта тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Иккинчиси, қишлоққа автобус қатновини йўлга қўйиш тўғрисида ўқитувчиларим мурожаат қилган ва бу ишни ҳам ижобий ҳал этиб бергандим. Шахсий илтимослар ўз йўлига...

3. Муаллимлар — мактаб кўзгуси, мактаб қиёфаси, мактаб жамоли, амалий ишлари ушбу кўзгуда акс этади. Қирқйигит Абдулҳакимов, Анорбой Турсунқулов, Мамарасул Сатторов, Барот Суяров, Қўчқор Ашуров, Мавлон Саксонов, Саломхон Исмоилов, Шамси Зиёдуллаев, Темур Камолов, Эргаш Умаров, Сайдиали Ваққосов, Рашид Ҳамзаев, Ўткир Исмоилов, Маҳмуд Очилов, Саломхон Аҳадов каби муаллим-ўқитувчиларимнинг сабоқлари, таълим-тарбияларию ўгитлари ҳамиша юрагимда. Бугун Ўзбекистон мустақил мамлакат, халқи озод. Ватанимиз келажагининг буюклигига заррача шубҳа қилмайман. Бу келажак ёш авлод қўлида. Уларнинг маърифати ушбу келажакни белгилайди. Илм-маърифатни эса муаллимлар беради. Истагим, устозларим менга айтолмаган, айтиши мумкин бўлмаган сўзларини, сабоқларини бугунги авлодларга айтсин, айта олсин!

Тошбўри ҚИЛИЧЕВ,
Нуробод тумани ҳокими:

1. Бу савол мени бир зумга болалик сари етаклади. Оддий қишлоқ мактаби, айниқса, қўлимизга қалам тутқазиб тилимиздагини қоғозга тушириш ҳадисини ўргатган раҳматлик домла Давлат Номозов, бошқа фанлардан сабоқ берган устозларим Амир Хушвақтов, Эшмирза Пўлатовнинг соддалик, нуронийлик қоришиқ сиймолари, бир-бирига меҳрибон синфдошларим ёдимга келди. Ҳозир эсласам, ўша пайтларда мактаб, ўқитувчи деган номлар шу қадар муқаддас бўлган эканки, домла нафақат мактабда, балки кўча-кўйда ҳам биз учун ибрат, ҳурматли инсон эди. Ўқувчилар беш баҳо олишда ким ўзарига ўқишарди. Уйга боргач, бу мусобақа акаукалар, опа-сингиллар ўртасида давом этарди. Ҳозирда тенгдошларим турли соҳаларда ишлайди. Ҳар бири ўз касбининг устаси.

2. Юқорида устозларимнинг олижанобликларини айтиб ўтдим. Шу боисми улардан ҳеч бири, ўғлим, шундай мушкулим бор, ҳокимсан, қўлинг узун, ёрдам қил, деб келганини билмайман. Ҳар гал қишлоғимга борганимда улар ҳолидан хабар оламан, мактаб даврини эслашиб гурунг қиламиз.

Одатда савоб сўралмайди, айтилмайди ҳам. Ўзингнинг яшаш шароитинг кўнгилдагидек бўлиб, сени шу даражага етказиш йўлида кўз нурини аямаган устозларинг бирон нарсада муҳтож бўлса, қандайдир ноқулайлик туғиларкан. Мен уларнинг ўй-жойларини тартибга келтиришда ёрдамимни аямаганман.

3. Кўпчиликнинг назарида машҳур кишилар, ҳокимлар, раҳбарлар гўёки осмондан тушгандек. Аслида улар ҳам мактаб кўришган. Ўқитувчисидан алифдан то фаннинг мураккаб сирларигача ўрганишган. Ўргатиш жараёнидаги машаққатли меҳнатларида устозларга сабр-матонат тилайман. Соғлик-саломатлик, хуш кайфият уларга ҳамиша эш бўлсин!

Мадраҳим ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти Боғот туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги бошқаруви раиси — ҳомий ташкилот раҳбари:

1.Тумандаги Абу Райҳон Беруний номидаги ўрта мактабни тугатганман. Ўқувчилик даврларим ҳамон кўз ўнгимда. Ёшликни ҳеч қачон унутиш мумкин эмас. Тошкент чет тиллари педагогика институтини 1968 йилда тамомлаб, ўзим ўқиган мактабда немис тилидан дарс бердим. Кейин директор бўлиб ишладим.

Мактабдаги ўқитувчилик даврида бу соҳага меҳримни берганман. Ҳар бир яхши ўтказилган дарсни ажойиб бир асар деб билардим. Чунки ёшларни ҳаётга тайёрлашда ушбу жонли асарнинг аҳамияти беқиёсдир.

2. Устоз отангдан улуғ, деган гап бор. Устозларим ҳузуримга келишганида иззат-ҳурмат билн кутиб оламан. Уларнинг арз-талабларини ижобат этишга ҳаракат қиламан.

Бизнинг жамоа хўжалигимизда 4 та мактаб, 3 та болалар боғчаси бор. Уларнинг деярли барчаси жамоа хўжалиги ҳисобига қурилган. Замонавий биноларга жойлашган шу мактабларда 2500 ўқувчи бир сменада ўқийди. Куни узайтирилган гуруҳ болаларини овқатлантириш жамоа хўжалиги ҳисобидан бўлаяпти. Мактабларга мададкор бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

3. Муаллимларни, аввал, чин дилдан табриклаб, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшларни тарбиялашда уларга катта муваффақиятлар тилайман. Доимо омон бўлишсин!

*Бугуннинг сўзи*

## КЕЛАЖАКНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН МУАЛЛИМ

Сарлавҳамизда жимжимадорлик устундек кўринади. Бироқ моҳиятида-чи? Моҳиятида эса залворли юк бор, аввало, Яратганнинг буюргани, мустақил яшаш орзусида курашиб ўтган аждодлар руҳи ҳаққи-ҳурмати ва ниҳоят, келажак авлод олдидаги жавобгарлик масъулияти! Бу масъулиятни ҳис қиладиган муаллимнинг шогирдлари, иншооллоҳ, унинг юзини ерга қаратмайдилар.

Муаллим деганда биз мактаб ўқитувчисидан бошлаб ўрта махсус ва олий ўқув юртлари домлалари ҳамда жамият учун комил инсон тарбиялайдиган барча зотларни тушунамиз.

Муаллимликнинг масъулияти жуда оғир. Азалдан шундай бўлган, бугун ҳам шундай, эртага ҳам шундай бўлажак. Зеро, қандай замон, қандай жамиятлигидан қатъи назар муаллимга эҳтиёж суву ҳаво каби туради.

Юқорида муаллимнинг масъулияти ҳақида гапирдик. Хўш, унинг масъулияти, меҳнати қандай мезонлар билан ўлчанади? Ишининг натижаси, яъни у вояга етказган инсонлар савияси билан эмасми? Демак, муаллимнинг обрўсизланишига унинг ўзи ҳам маълум маънода сабабчи бўларини чуқур илғай олмаётганлигидами? Ёхуд маошидами? Ёки муаллимлардан тарбия олиб, ҳарф ўрганиб, энди унинг хизматларини унутган ота сабабчими? Ва ёхуд ота-оналардаги «болани муаллим мулло қилади» каби йўқолмаётган эски психологиядами? Сабабларини излайверсак чиқаверади. Чунки дунё бир бутун. Ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Бирига дарз кетса, асорати бошқасида ҳам кўринади.

Бугун орзумиз рўёби бўлган мустақил Ўзбекистонда гўзал жамият қурамиз деган ният билан пойдевор қўйилди. Бу иморатнинг гиштлари пишиқ ва мустақил бўлиши муаллимга боғлиқ. Зеро, бугунги Ўзбекистон шахсларни талаб қилмоқда. Келинг, шу ўринда ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммаднинг фикрига эътибор берайлик: «Инсоният тарихида ҳар бир давр ШАХС зиммасига конкрет вазифалар юклаган. XXI аср бўсағасида истиқлол йўлини тутган Ўзбекистон ўз фуқаролари орасида шахслашув жараёнини авж олдириш эҳтиёжи билан яшамоқда. Шахслик мартабасининг азалий ва ўзгармас шартлари ҳозирги шарт-шароитдан келиб чиқилган ҳолда янгиланмоқда.

Хўш, Шахс олдига қандай талаблар қўйилмоқда?

Мустақил фикрлаш, ўзига ишониш, ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият. Мустақиллик тафаккурини миллий психология таркибига сингдириш» («Миллий тикланиш» газетаси, 1995 йил 15-сон).

Бундай шахсларни ким тайёрлаши мумкин? Албатта ота-она, маҳалла-қўй қўмагида муаллим тарбиялайди. Шунинг учун ҳам муаллим оиладаги бош тарбиячи — отадан устун қўйилади: Устоз отангдан улуғ!

Дунёда қучлилар орасида тенг бўлишни ўйлаган Япония шу асрнинг ўнинчи йилларида маорифга эътибор берди. Муаллимларни тақдирлади, ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Болалар эса ота-боболарига ҳурмат, ҳозирги фанни чуқур ўрганишга рағбат ва келгусидаги қудратли давлатга ишонч руҳида тарбиялади. Унинг натижаси бир-икки йилда кўринмади, албатта. Бугун япон маорифи хизматининг натижасини дунё кўраяпти.

Тарих муаллимлардан доим фидойиликни талаб қилган. Узоққа бормай аср бошида ҳаракатда бўлган жадид боболарнинг маориф йўлида қилган хизматларини мисол қилсак бўлади. Улар ўз пулларига мактаблар очишди, дарсликлар чоп этишди, маошсиз ишлашди. Тўғри, улар мустақиллик учун курашгандилар, бироқ мустақиллиқни мустаҳкамлаш ҳам мустақиллик учун курашдан фарқ қилмайди.

Келажакдаги ўғлонлар Ватан учун қалқон бўла оладиган қўрқмас, бақувват бўлишлари, қизларимиз йигитларга ишончли ҳамроҳ бўлишлари ва ўз навбатида ўзларидан яхшироқ комил инсонлар тарбиялаб қолдиришлари талаб қилинади. Бундай тарбия сирларини ўргатишни аввало муаллим бошлаб беради.

Шунинг учун биз — муаллимларнинг олдида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, ўз манфаатларимизга хизмат қиладиган жиҳатларини янада ривожлантириб, тараққий этган мамлакатлар тажрибаларидан унумли фойдаланиш вазифаси турибди.

Хориж тажрибасини ўзимизга қиёслаётганда жадид боболар кўрсатган йўлни унутмаслигимиз керак бўлади, яъни Ғарб илмини ҳаётга татбиқ қилаётганда миллийликни, аниқроғи шарқона одобахлоқни асраб қолиш таъкидланади. Бунда бир олам маъно бор.

Қисқаси, кечаги мудҳиш жамият асоратларидан қутулиш учун боболар меросини ўрганиши, мустақилликни том маънода англаши ва энг асосийси, англанган нарсаларни шогирдларига етказа билиши бугунги муаллимнинг бўйнидаги қиёмат қарздир.

Жамият бугун ана шу руҳда, ана шу йўналишда ҳаракат қилаётир. Мустақил мамлакатимиз маорифини яратаётган муаллимларимиз илғор вакилларининг истеъдодларни аниқлаш, жаҳон педагогикасини миллий педагогикамиз билан уйғунлаштириш борасидаги талайгина ишлари фикримизга далилдир. Зеро, юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, муаллимларимиз зиммаларида «дунё илм-фани, маданияти, тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тафаккур зиёси билан башариятга нурли йўл кўрсатган улуғ аждодларимизга муносиб ворис тарбиялаб етказишдек эзгу вазифа турибди».

Халқ таълими ходимлари куни ана шундай муҳим вазифани зиммаларига олган муаллимларимиз байрами. Айёмингиз муборак бўлсин, қадрли устозлар!

**Ҳалим САИДОВ.**

*Урта мактабда география ва биология фанларидан мударрислик қилгучи Абдумалик Қосимов ва унинг шогирдларини Шероблда яхши танишади. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг донги қушлар сайроғи ва қанотида таралган. Улар туттани ҳам қафас эмас, қушларга эркин бир қуналгадир — бу ерда дон еган ҳар қуш олис парвозлардан қумсаб қайтади. Дарвоқе, «қўлдан берганга қуш тўяди, — дейди Абдумалик ака, — фақат меҳрингизни дариг тутмасангиз бас».*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## ҚЎЛИНГНИ БЕР, ТАБИАТ!

Бизни бағрига олган, танимизга қувват, кўзимизга нур бериб турган она табиатнинг бугунги аҳволи бутун дунё жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Сув, Ҳаво, Ер, дея аталадиган, инсон ҳаётида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган уч унсурнинг бузилиши, заҳарланиши кун сайин ортиб бораяпти. Албатта, келажак авлодларни ўйлаган, улар қайгусини чекувчи фидойи кишилар бундай фалокатларнинг олдини олиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Масалан, Америка ҳукуматининг вице президенти Альберт Гор жаноблари бош-қошлигида ишлаб чиқилган «Глоуб — Экосан» дастури жаҳон экологиясини соғломлаштиришга қаратилган бўлиб, ер юзидаги барча давлатлар, элу элатлар уни амалга оширишга бел боғлашди. Хусусан, бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз жамоатчилиги ҳам бу хайрли юмушдан четда эмаслар. Мана, Тошкент гидрометрология техникумида ўтказилган семинар-кенгаш ҳам шу долзарб муаммога бағишланди. Унда «Экосан» Халқаро жамиятининг Тошкент бўлими бошлиғи Саидиқром Ҳожиматов, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассиси Абдуҳамид Ҳабибуллаев, Республика гидрометрология хизмати директори Тоҳир Мухторов қатнашдилар.

Техникум мажлислар залида Тошкент шаҳридаги мактабларнинг экология, биология, география фанлари ўқитувчилари йиғилишди. Чунки семинар-кенгашнинг мақсади болаларда, хусусан, ўқувчи ёшларда экологик тарбияни кучайтириш, уларни гидрометрология хизматидан фойдаланишга қизиқтириш ва ўргатиш эди.

Мутахассисларнинг маърузалари қизиқарли ва савол-жавобларга бой бўлди. Гидрометрология техникумининг директори Людмила Обидовна Ҳусаинова ўтган йил Францияга экология муаммолари бўйича ўтказилган конференцияга борганида, бир қанча ўқув видеофильмлар олиб келган экан. Ана шу табиатни муҳофаза қилиш мавзусидаги ҳужжатли видеофильмлар йиғилганларга намойиш этилди. Бу видеофильмлар француз тилида тайёрланганлигига қарамай, уларда қўйилган масалаларни ҳамма тушунди, чунки тўрдаги рангли телевизор экранида барчамизга таниш манзаралар, дарду ҳасратлар «липлип» ўтарди.

Семинар-кенгаш дастлабки ўз мақсадига эришди: гидрометрология техникуми базасида ўқувчи ёшларни гидрометрология хизматига ўргатадиган марказ ташкил этилди. Марказнинг айнан шу техникумда тузилишига сабаб, бу ерда болаларнинг керакли билимларни олишларига барча шарт-шароитлар етарлигидадир. Пойтахт мактабларининг ўқитувчилари, ўқувчилари марказга тез-тез йиғилишиб, машғулот ўтказиб туришга келишиб олдилар. Фақаттина кундалик ташвишларга берилиб, қизиқишлар суниб қолмаса, бас.

**Луқмон БЎРИЕВ.**

*XXI АСР МАКТАБИ*

## КЕМА СУЗИШИ КЕРАК...

*Мақола манзилгоҳи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Ўқчи маҳалласи, 123-уйда жойлашган 1- иқтисодиётга йўналтирилган ўқув маркази.*

*Мақсади: Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия орқали ижодкор шахсни шакллантириш. Тарбияланувчи ва тарбия берувчиларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш. Шу жараёнда бошланғич иқтисодий билим, кўникма, малакаларни меҳнат, ўқув, ўйин фаолияти орқали сингдириш. «Босқичли таълим» концепциясини амалда синаш.*

*Директори: педагогика фанлари номзоди, доцент, докторант Зуҳра ВАЛИЕВА.*

Ҳар бир инсон онгини ғоялар банд этиб туради. У етганда ҳам, турганда ҳам, ўз меҳнат фаолиятидан келиб чиқадиган вазифаларни адо этаётганида ҳам ана шулар ҳақида ўйлайди. Бинобарин, ғоялар инсон тафаккурини бошқариб туради ва улар учун хизмат қилади.

Зикр этмоқчи бўлган мактаб ҳам бино бўлмасидан аввал ғоя сифатида туғилди. Аслида бунга 80-йилларда асос солинганини ҳисобга олсак, ўтган вақт мобайнида мактабни очишдан тортиб таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишгача бўлган қийинчиликлар четдан қараган кишига анчайин мураккаб бўлиб туюлади. Илмий иш қоғозларда ёки ҳужжат асровда қолиб кетмади. Зотан, олимнинг замон билан, турмуш билан ҳамнафаслиги ҳам шунда-да. Иқтидорли олима Зуҳра Валиеванинг «Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг иқтисодий тарбия тизими» деб номланган илмий иши ана шу мактабни очишга туртки бўлди. Илмий ишини у 1987 йилда ёқлади. Фан номзодлигига даъвогарлик Зуҳра Валиева учун асосий мақсад бўлмай, илмий ишида илгари сурилган ғояни турмушга жорий этиш орзуси уни тинч қўймасди. Мактабни ташкил этиш учун қилган ҳаракатлар — елиб-югуришлар, илтимослар, қистовга олишлар зое кетмади. Ниҳоят, 1993 йилда у орзу қилган, интилган мактаб битта синф сифатида ташкил этилди. Синфга «Ўйгониш» номи берилди. Рамзий маъноси: ўйгониш керак! Ғафлатда ётавермоқнинг фурсати тугади. Ўйгониб, илму маърифат жавоҳирларини термоқ, тафаккурни шакллантириш даркор.

Таълим-тарбиянинг қандай бўлиши олдиндан режалаштирилган бўлса-да бошланиши андак қийин бўлди. Эндиликда синфлар сони 5 тага етиб, мураккабликлар яққол кўзга ташланса ҳам, тажриба учун очилган «Ўйгониш» синфининг иш юритишидан нусха олинмоқда. Синфларнинг ҳар бирига 22 нафардан ўқувчи бириктирилган. Қизиқиш ва мойиллигига кўра, бу гуруҳларнинг бирида математика, иқтисод, меҳнат, иккинчисида нутқ ўстириш ва савод чиқариш, учинчисида табиатшунослик, тўртинчисида маънавият сабоқлари, кейингисида мактабга психологик тайёргарлик ва хорижий тилларни ўргатиш мақсад қилиб олинган. Гуруҳларнинг асосий мақсади, умумтаълим мактабларидан фарқлироқ, таълим-тарбия қайси соҳага қаратилишидан қатъий назар, иқтисодга йўналтирилади. Дастурлар бўйича машғулотлар интеграция қилинган. Яъни, масалан, маънавият сабоқлари бўйича белгиланган машғулотлар ритмика, пластика, жисмоний тарбия, Шарқ-Европа этикетлари бўйича яхлитлаштирилган. Жисмоний тарбия машғулотларида асосий урғу «Соғлом авлод учун» шиорига қаратилади. Соғлом фикрли авлод ҳамма нарсани яратишга қодир. Соғлом бўлганда, ақл ҳам оби-тобида ривожланади, деган фикр ўртага ташланади. Математика дастури бўйича иқтисод, меҳнат фанлари йўналтирилган бўлиб, дарслар турмушдан олинган мисоллар билан боғланади.

«Тараққиёт», «Ўйгониш», «Ижодкорлик», «Ҳамкорлик», «Интилиш» деб номланган ўқув гуруҳларидаги дарслар 12 соатлик. Бир кунлик ўқув юкламаси 8 соатга мўлжалланган. Куннинг биринчи ярмида 4 соатлик дарс, қолган қисмида эса тагин шунча соатлик мантиқий фикрлашга таъсир этувчи ўйин машғулотлари ўтказилади. Натижада бола зерикиб қолмайди. Ўйин машғулотларида турли компьютерлар ўқувчиларга овунчоқ. Экрандаги турли-туман чизиқлар, ёзув ва манзаралар боланинг мушоҳадасини бойитади. Бундай компьютерлар 12 та. Тест саволлари асосида қабул қилинган болалар бу техникани бемалол бошқара олишади.

Дарвоқе, мактабнинг 1-, 2-, 3-синфларида янги ўқув йили учун болалар тест саволларига кўра танланди. Бу мазкур мактабда ўз фарзандларини ўқитишга даъвогар ота-оналарда ортиқча эътироз ёки шубҳалар уйғотмади. Демак, бу адолатнинг қарор топганини ифодалайди. Қобилиятини намоён қила олган бола маълум гуруҳ аъзоси сифатида қайд қилинди.

***

Ўқув даргоҳида тайёрлов босқичи ҳам мавжуд. 3 — 5 ёшли болалар гуруҳи дастлабки йилдаги тажрибасинов синфлар ўрнини тўлдириш мақсадида ташкил этилган. Улар учун якшанбалик мактаблари очилган. Яъни дам олиш кунлари ота-оналар маблағи ҳисобига илк иқтисодий сабоқни ўрганаётган жажжилардан ниманидир умид қилишга асос бор. Чунки иқтисодий билим, кўникма ва малака эгаллашга тайёрлаш учун мактабгача ёшдаги болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, билимини чуқурлаштиришга имкон берувчи турли вазиятларни ишлаб чиқишга аҳамият берилади.

Иқтисодга йўналтирилган бу мактабда таҳсил олаётган болаларнинг келажагини вақт кўрсатади. Албатта, ташланаётган қадамлар чакки эмас. Ташландиқ ва қаровсиз ётган бинонинг у ёқ-бу ёғи тартибга келтирилиб, таъмирланиб, маърифат масканига айлантирилишини қўллаб-қувватлаш лозим. Фан-техника, маданият, санъат ривожланган ҳозирги даврга муқояса қилганда, бу ерда шароит бир қадар ибтидоий бўлиб туюлади. Хоналарда жиҳозлар кам. Пол ўрнига қопланган линолиум айрим хоналарда кўтарилиб, сидирилиб кетган. Аммо шунга қарамай, ният улуғ! 15 нафар ўқитувчи ва тарбиячи ўқув дастурлари билан чуқур таниш. Уларнинг 6 нафари фан номзоди.

— Сизларда етишмовчилик жуда кўп экан?— савол назари билан қарайман ўқув даргоҳининг раҳбари Зуҳра Валиевага.

— Мен мактабимизни ариққа қўйиб юборилган кемага қиёслайман. Бу кема сузиши керак. Ариқ эса унга торлиқ қилмоқда. Эмин-эркин сузмоқ учун унга денгиз керак. «Денгиз» деганим, кўчма маънода, албатта. Яъни валломатлик кўрсатадиган ҳомийимиз бўлишини истардик.

Моддий аҳволимизнинг яхшиланиши фақат маблағ масаласи билан боғлиқ бўлиб турибди. Ўзбекистонда анчагина хайрия жамғарма банклари бор, Ўз қаддимизни дадилроқ тутиб олишимиз учун сармоямиз йўқ, қўлимиз калта. Ниятимиз эса эзгу! Ўзбеклардан келгуси асрда ҳам чуқур иқтисодий билимга эга файласуфлар, олимлар етишиб чиқсин! Ахир қачонгача Европага ҳавас қиламиз?

Зуҳра Валиеванинг ёзғирганича бор. Миллий истиқлол ҳақида гап кетар экан, уни халқ таълимининг ривожисиз тасаввур этиш қийин. Жонажон Ўзбекистонимизда ягона ҳисобланган 1-сон иқтисодга йўналтирилган мактабни қўллаб-қувватлайдиган оталиқ ташкилоти топилмаяпти. Бу муаммо ҳал этилмас экан, «ариқдаги кема» ва ундаги кичик «йўловчилар» анчагина азият чекиб қолишлари мумкин. Кеманинг сокин ва бир текис сузишига имкон яратиш керак.

Республикамизда қанчадан-қанча фирмалар, даромади катта ишлаб чиқариш корхоналари, заводфабрикалар мавжуд. Уларнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган. Тошкент шаҳар ҳокимияти олдига шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бу масалани кундаланг қўйса, муаммо ечими томон ҳаракат бошланар ва Европа мамлакатларидаги сингари шароитлари тўла-тўкис ўқув даргоҳи вужудга келган бўларди. Ва яқин йиллар орасида қўпчилик ота-оналар, Зуҳра Валиева ва унинг ҳамкасблари орзу қилган XXI аср мактаби вужудга келарди.

Бу — орзу! Кўпчиликнинг эзгу орзуси ушалиши лозим!

Дарвоқе, энг муҳим ва беҳад катта аҳамиятга молик масала — қўлёзмаси тайёр турган «Иқтисодиёт алифбоси», «Иқтисод сабоқлари» ўқув қўлланмалари чоп этилиши шарт. Бу қўлланмаларнинг муаллифи ҳам Зуҳра Валиева. Унинг таъкидлашича, китобларни босмадан чиқаришга талайгина маблағ керак. Маблағни эса... топиш мушкул бўлмоқда.

Бу ўринда бир фикр «ялт» этиб хаёлимдан ўтади: Нахотки юзлаб китобларни чоп этиш эвазига катта даромад ундираётган «Ўқитувчи» нашриёти хамир учидан патир сифатида бу дарсликларни нашр этишга ёрдам беролмаса?!

Уни қўйинг, буни қўйинг, мазкур мактаб ҳам моддий ёрдамга, ҳам руҳий мададга муҳтож. Ўйлаймизки, урилган бонгимизга қандайдир акс-садолар қайтади!

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Айёмингиз муборак!*

## ТАРБИЯНИНГ АВВАЛИ

Йўлда кетаётганимизда қизчам ўтлоқда диркиллаб чопиб юрган кўзичоқни кўрсатиб, сўради:

— Дада, анови кўзичоқ ҳам боғчага борадими?

— Йўқ, бормайди.

— Мениям кўзичоқ бўлгим келяпти.

Топган гапини қаранг! Мана шунақа хархашаларни эшитавериб, аслида ҳамма бола ҳам яслига боришни истамайди деб ўйлаб юрар эдим.

Бироқ дам олиш кунлари ҳам боғчага бораман деб туполон қиладиган болалар ҳам бор экан.

Танишим Муминжон Эрматнинг «ота ўғли» Мансур ана шунақа бола. Бунинг сабаби, боғча опаларининг меҳрибонлигида деб билдим ва йўлим тушганда Мансурнинг боғчасига кирдим. Бу шаҳримиздаги Акмал Икромов туманидаги 244-болалар боғчаси эди.

Ҳақиқатан ҳам тарбиячилар ҳамма болаларни ўзларининг фарзандидек кўради. Бунинг устига овқатлари сифатли. Болаларга сарёғ, тухум берилади.

Ўғил-қизларнинг тарбиясида боғчадаги муҳитнинг аҳамияти катта, деган фикрни билдирди мудира Малика Толипова. — Уларнинг илк муомаласи, бошқаларга муносабати шу ерда куртак ёзади. Масалан, шундай фарзандлар борки, ушлаган нарсасини «ўзиники» қилиб олади. Бошқаларга бергиси келмайди. Ана шунда болани алдаб ўйинчоғини ўртоқлари билан ўйнамоққа ўргатиш яхшилик аломати. Бу боланинг сахий, демакки, яхши бўлиб улғайиши учун хизмат қилади.

Опанинг гапларига қўшилмай иложингиз йўқ. Ясли деганларида гап кўп. Ёш оилалар истаса-истамаса фарзандини боғчага беради. Бироқ ҳар тонг жанжал-туполон билан боласини боғчага қузатган ота-онанинг ишида ҳам унум бўлмайди.

Ҳозир миллий боғчалар хусусида ҳар хил мулоҳазалар юрибди.

Тарбиянинг илдизи шу ер. Боғча — ясли.

Катта ёшдаги гуруҳ тарбиячиси Муқаддас опа Қаюмова билан суҳбатлашиб, хато қилмаганимни англадим. Опанинг гуруҳидаги Сережа, Тимофей, Нигиналар нафақат ўзбекчани, ҳатто мусулмончилик урф-одатларини ўрганибди. Ота-оналар кўзларида ёш билан Муқаддас опага ташаккур билдириб:

— Фарзандларимизни ўзбек мактабларига ўқитишга берамиз, — дея ният қилишибди.

Тарбия деганлари шу эмасми?

Байрам кунларида болаларнинг ҳузурига яна бордим.

Уларнинг аския айтишларини кўрсангиз.

Бола:

— Гулмисиз, райҳонмисиз, сунбулмисиз?

Қизча:

— Айттанингиз.

— Туполончиликда ўғил болаларни ортда қолдириб, қулоғидан тортиб йиғлатиб юрасиз ёки тиконгулмисиз?

Куни неча боғчада тарбияланувчиларни мактабга кузатиш маросими ўтказилди.

Тарбиячи Муқаддас опа Қаюмова кўзларида ёш билан полапонларини мактабга кузатди.

— Нега йиғлайсиз? — сурайман опадан, — бугун сизнинг қувонадиган кунингиз.

— Қувончимдан йиғлаяпман! Ахир уларни ўзим катта қилганман.

— Яна янги боғчага келганларни қабул қилиб оласизми?

— Ҳа.

Гапнинг очиғи, опанинг қулига келадиган фарзандлар ва уларнинг ота-оналарига ҳавас қилдим. Опага ўхшаган туғма тарбиячилар бўлади. Болалар нафақат тарбияланади, опадаги меҳрдан қувват олади. Опадек меҳрибон, ширинсўз бўлиб улғаяди.

Боғча Акмал Икромов тумани халқ таълими биносининг ёнида жойлашган. Икки қаватли, гиштин бинони банд этган. Мудира Малика Толипова камтар,камсуқум аёл, турт фарзанднинг онаси. Ҳали ёш бўлсалар ҳам, набирали бўлдилар. Набира-қизчасини ҳам Муқаддас опанинг тарбиясига топшириш нияти ҳам йўқ эмас.

Фарзандларимизни тарбиялаётган, демакки, юртимиз келажаги учун хизмат қилаётган бу фидоий мураббиялар билан хайрлашаётиб, уларга бардамлик, соғлик-саломатлик тиладим.

**Абдурахмон ЖЎРА.**

# МУАЛЛИМ ҚАЛБ МЕЪМОРИДИР

Ислом КАРИМОВ

Қарши шаҳридаги 29-ўрта мактабнинг тасвирий санъат муаллимаси Гулнора Шукуровнинг дарсини кузата туриб, ўйладим... Ҳамма ўз касбини севиб, садоқатли бўлса, дейлик, шифокор шифокорлигини, қурувчи қурувчилигини, тиқувчи тиқувчилигини маҳорат билан астойдил бажарса эди. Худди Гулнора каби, ана жон-жаҳонини ўқувчиларига бағишлаб дарс ўтаётган Гулнора каби...

Эҳтимол, ўшанда одамлар тоифага бўлинмас, кунлар фақат нуру оппоқ рангдан иборат бўлармиди. Юзакичилик, алдов, кўзбўямачилик нималигини билмай, рубару келмай ўтармидик.

Тасвирий санъат муаллими... Бу фан сир эмас, айрим мактабларда узоқ йиллар тасвирий санъатдан йироқ мутахассисларга қўшимча соат учун бериб қўйилди.

Гулнора ёшлигиданоқ тасвирий санъатга меҳр қўйди. Ўрта мактабдаёқ деворий газеталарнинг рассоми сифатида танилди. У мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, ҳужжатларини Қарши давлат дорилфунунининг бошлангич таълим методикаси факультетининг сиртқи бўлимига топширди. Сиртдан таълим олиш билан бирга шаҳардаги Й. Охунбобоев номли мактабда куни узайтирилган гуруҳларни ўқита бошлади.

Ўғил-қизлар тасвирий санъат машғулотини ўзига хос сабрсизлик ва қизиқиш билан кутарди.

Муаллима эса ҳафтада бир мартагина ўтиладиган расм дарсига бир неча кун тайёргарлик кўрарди. Мақсад 45 минут давомида ойлаб қилинган меҳнатнинг самарасини ўқувчилар онгига сингдириш, санъат оламининг гўзаллигини уларга кўз-кўз этиш, эзгуликка меҳр-оқибат уйғотиш эди.

Орадан кўп ўтмай Гулнорани вилоят малака ошириш институти курсига ўқишга тавсия этишди. Ушанда биринчи саволи кўпчиликни ажаблантирган эди.

— Бизга расмдан ҳам дарс ўтиладими? — деб тингловчиларнинг шошиб сўрагани ҳали-ҳали ёдида.

— Қизиқ экансиз. Болалар рассом бўлишармиди? Кимнинг дарси кам бўлса, расм ва меҳнат дарс соатлари уларга қўшиб берилаётган бўлса... — истеҳзосини яширимади тингловчилардан бири.

... Ниҳоят тасвирий санъат дарси бошланди. Домла сочларига оқ оралаган, нуроний чеҳрали Жомурод Жиловов:

— Орангизда дарс режасини синфда тўлиқ ўтадиганлар борми,— деб мурожаат қилди.

Кўпчилик тингловчилар сукут сақларди. Гулнора эса қўл кўтаришдан тортиниб, энтикиб ўтирар экан, домла яна мурожаат қилди:

— Ҳеч бўлмаса, расм чизишни биладиганлар бордир?

Шунда кимдир:

— Домлажаон, рассомимиз бор, — дея Гулнорани номини тилга олди.

— Марҳамат, рассом синглим, мана, сизга бўр. Эртак қаҳрамонларидан намуналар чизинг-чи?

Шу мавзудаги расмларни чизиш Гулнорани севимли машғулоти эмасми, кўз очиб юмгунча ёзув тахтаси эртак қаҳрамонлари тасвири билан тўлди.

Домла ҳавасини яширолмай:

— Синглим, мактабда нима қилиб юрибсиз ўзи,— деди.

Гулнора ҳаяжон билан:

— Ўқувчиларимни ўқитаяпман,— деди.

Домла мамнуниятини яшира олмай:

— Тўғри, ўқитаяпсиз, лекин сиз расм дарсини ўқитишингиз керак, — деди қатъий. Бу дарсни, афсуски, баъзан қобилиятсиз, қоларверса, расмни севмайдиган ўқитувчилар ўтишаяпти.

Малака ошириш институти курсидаги машғулотларни тугатгач, Гулнора тасвирий санъатдан сабоқ бера бошлади. Иқтидорли болалар кўп эди. Улар билан ишлаш Гулнорани таъбири билан айтганда завқ ва ҳузур бағишларди. Унинг ўтказган ҳар бир машғулоти бу фаннинг иккинчи даражали эмаслигини исботлаб келарди.

Вилоятдаги таниқли ўқитувчи Исмат Шукуровлар хонадонига Гулнорани келин бўлиб келиши унинг ўз касбига бўлган муҳаббатини минг бор оширди. Катта оила фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, зиёли кишилар, 5 нафар келиннинг барчаси эса муаллималар — қайнота ишининг давомчилари эдилар.

Оила аъзолари йиғилгудек бўлишса, катта ўқитувчилар кенгашини эслатар, фарзандлари сўзларини тинглаб, қайнона Кумушбиби онанинг боши кўкка етар, умр йўлдошининг чироғи ёнаётганлигидан маорифчилар сулоласи усаётганлигидан кўнгли таскин топар эди...

Гулнорани тасвирий санъат ва чизмачилик кабинети талаб даражасида жиҳозланган. Кабинетда ҳар куни янгиланиш, ўқувчи — ўқитувчининг изланувчанлиги, ижодкорлигидан далолат беради. Синфдаги «Ёш Беҳзодлар», мактабдаги «Рассомлар» тўгаракларига тиниб-тинчимас муаллима бош.

Гулнора Шукурова дарс жараёнида аппликация (қирқиб ёпиштириш) усулидан кенг фойдаланади. Бунда турли қийқим матолар, қоғоз, сомон, чигит ёки чарм, эски тугмалар иш қуроли вазифасини ўтайди. Бунда бу соҳадаги тавсиялари алоҳида китобча сифатида нашр ҳам этилди.

Гулнора Шукурованинг турли эртак сюжетлари асосида қўғирчоқлар иштирокида ўтаётган машғулотлари ҳам ўзига хос қизиқарли. Дарсда бўлган киши «Қўғирчоқ театри»даман деб ҳис этади ўзини. Чунки эртак қаҳрамонлари шаклини болаларнинг ўзлари ясашади, қаҳрамонлар образи ҳам ўқувчилар томонидан ижро этилади.

— Янги мавзуни қўғирчоқлар ёрдамида тушунтириш ғоят таъсирли,— дейди Гулнора Шукурова.— Қўғирчоқларни ҳам ўзимиз ясаймиз. Дейлик, қора ип билан қош, кўзларини ясасак, қора пайпоқлардан соч, оқ матодан юз шаклларини тайёрлаймиз.

Баъзан 45 минутлик тасвирий санъат дарси адабиёт, она тили фанлари билан уйғунлашиб кетади. Бир фан иккинчисини мустаҳкамлашга, тўлдиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Гулнора Шукурова вилоят бўйича ўтказилган «Ўқитувчи — 95» қўрик-танловида иштирок этиб, ғолиб бўлди. Эртаклар асосида қўғирчоқлар иштирокида ўтказган тасвирий санъат дарси юқори баҳоланди.

Айни пайтда Гулнорани ижодхонасида иш қизғин. Эртак қаҳрамонларининг сурати, аппликация усулида тайёрланган паннолар, табиат манзаралари акс этган матолар... У «Ўқитувчи—95» республика танловига тайёргарлик кураяпти.

Муаллиманинг ижодий ишларига ота-оналар, ўқувчилари, ҳамкасблари ҳавас ва ҳайрат билан боқишаяпти. Унинг дарс ўтиш услубига мамлакатимиз маорифчилари ҳам тан беришларига ишонаман.

**Комила КАРОМОВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**
**Қашқадарё вилояти.**

*Халқ таълими фидойилари*

## СИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМАН...

**«Дуторчи қиз».** **Мусаввир Г. ШУКУРОВА.**

# ИСТЕЪДОД БАЙРАМИ

Собиқ шўро мустамлакачилигидан бизга бир киноя ҳам мерос қолган эди: «Истеъдодларни қўллаб-қувватлаш керак, истеъдодсизлар ўз йўлини топиб олади». Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, шоир айтганидай: «Битта қўл узатса лой, Биттаси сувар, дўстим, Фойдасиз жиян келса, Тоға ҳам қувар, дўстим!» бўлган бир собиқ шароитда, албатта ташаббускорларга қийин эди. Хайрият, юрт мустақил бўлди, гоҳ-гоҳи кўнгилларга ҳам қулоқ солмоқдалар.

Узбекистон ижодкор ёшлар «Истеъдод» жамғармасининг «Истеъдод байрами»га таклифнома олганимда шу тахлит хаёллар кўнглимдан кечди. Байрам, шубҳасиз, ҳайратомуз бўлди: дам олиш куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида (буюк олим номидаги маскан бежиз танланмаган) 1000 та истеъдодли болага дастурхон ёзиб, узбекона ош берилди. Аммо гап фақат ошда эмас, гарчи ҳозирги шароитда бу саховатнинг ўзи ҳам ҳайратланарли бўлсада. Шу куни боғда ёш рассомлар, техниклар, ихтирочилар, санъаткорлар, каштачилар, наққошлар, муҳандислар, кулоллар... ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Бу ғуё йил бўйи мактаб-мактаб, туман-туман ўтказилган кўрикларнинг якуни бўлди.



Суратларда: байрамдан лавҳалар. Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Байрамнинг тантанали қисмини (шартли равишда айтамиз, зеро болалар байрамида расмиятчилик бўлмайди) ажойиб ёзувчи, шодиёнанинг жонкуяр ташаббускори «Истеъдод» жамғармаси раиси Худойберди Тухтабоев очдилар. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев болаларни табриклар эканлар: «Сизнинг истеъдодингиз эртанги кунимизни безайди», — деб лутф қилдилар.

Шу куни вазирлик томонидан 40 нафар ўқитувчиларга, куюнчакларга «Халқ таълими фидойиси» нишони ва мукофотлар берилди. Узбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шукур Темиров байрамни қутлаб, энг комил фарзандлар тарбиялаган, мактаб билан алоқаси мустаҳкам ота-оналар, маҳалла фаолларига ёрлиқ ва мукофотлар топширдилар. «Демир» фирмаси номидан эса 50 та истеъдодли бола учун пул ҳисоби очилган омонат дафтарчаси топширилди. Бу ибратли ва айни чоғда табиий ҳаракатдир. Келажакни шу болалар, тўғроғи, уларнинг истеъдодлилари белгилайди. Бугун биз миллатимизни, халқимизни «буюк миллат», «улуғ халқ» деганда, кўз ўнгимизда аниқ шахслар — Навоий, Хоразмий, Беруний, Темур, Сино, Машраб, Чўлпон, Қодирий... намоён бўладилар. Улар ҳам бола бўлганлар. Халқимизнинг юзини бугун ҳам, эртага ҳам ҳақиқий комил шахслар белгилайди. Шундай экан, истеъдодга бўлган эътибор эҳтиромга лойиқдир.

Карим ҲАКИМУҒЛИ.

*Ширин сўз — жон озиғи*

# ШИФО

Бугун халқ таълими ходимлари куни. Бугун халқ таълими ходимларидан хабар оладиган кун. Дарвоқе, нега фақат бугун — халқнинг келажаги қандай бўлишини белгилаб берувчи маорифчиларимиздан ҳар куни хабар олиб туришимиз даркор-ку. Мана, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан ака Нормуродов узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан 61 кишининг уйига йўқлаб борибдилар. Бир суҳбатда, у киши шундай эътиборли (биргина) воқеани айтиб қолдилар.

«Каттақўрғон шаҳрида яшовчи фахрий ўқитувчимиз Салоҳ ака Махмудовнинг бетоб ётганлигини эшитдик. Бу киши ҳозир 90 дан ошган, асосий иш фаолиятини ўқитувчиликка бағишлаган. Умр йўлдоши Лидия Шестакова ҳам ўқитувчиликдан нафақага чиққан. Хуллас, ул-бул қилиб йўлга чиқдик. Дарвозада бизни Лидия опа кутиб олди.

— Мазалари йўқ, — деди уй бекаси, бизни Салоҳ аканинг ёнига бошларкан. — Ҳафта бўлди, тўшакка михланиб қолдилар... Ўринларидан ҳам туролмайдилар...

Дарҳақиқат, Салоҳ ака биз билан ётган кўйи, аранг бош иргаб саломлашди. Овози ҳам заифгина. У киши билан аввал учрашмаганмиз. Халқ таълими бошқармасидан атай хабар олгани келганимизни эшитиб, беҳад суюниб кетди. Инсон ҳамиша яхшиликка, одамгарчиликка, меҳрга муҳтож бўлиб яшаркан. Анча гурунглашганимиздан сўнг:

— Энди отахон, бир оёққа босасиз, — дедим ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб. — Сизга атаб Самарқанддан тўн тикдириб келганмиз. Ўзим кийгазиб қўймасам бўлмайди...

Буни қаранг, Салоҳ ака минг истиҳола билан ўрнидан тура бошлади. Ҳатто қайтаётганимизда бизни дарвозагача кузатиб ҳам қўйди.

— Ие, ҳафтадан бери кўрпа-тўшак қилиб ётган одамни қаранг, — ҳовлида юмушга уннаб юрган Лидия опа ҳайратини яширолмай бизни кузатганча тек қолди...

Воқеа шундан иборат. Биз уни таҳлил қилиб чиқишдан ўзимизни тутган ҳолда, бу юмушни ҳурматли ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола этамиз. Фақат эслатиб ўтмоқчи бўлганимиз — «Ширин сўз жон озиғи» нақли ҳамда қисқача сўзимиз шулки: шифо — яхшиликдадир.

Икром ИСКАНДАР.

# МУҲОКАМА

*Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида «Ижтимоий фанлар» кафедраси ташкил этган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда малака оширишга келган барча ўқитувчилар иштирок этишди. Кафедра мудири Абдулла Сайфутдинов йиғилишни очаркан, жумладан шундай деди:*

*«Нақл қилишларича, Ҳасан Басриёдан бир одам савол сўрса, ул зот айтибдиларки, «Савол сўрагинингнинг жавоби жуда катта, филжасадли, уни сизга айтсам, оғирлик қилмасмикан? Бугунги йиғилишимиз, ана шундай «филжасадли» мавзуга дахлдор, бизнинг иш фаолиятимизда ҳамиша асқотадиган асар — юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг муҳокамасига бағишланади».*

*Муҳокамада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири Абдуғаффор Набиев ҳамда таниқли журналист Шуҳрат Қосимовлар сўзга чиқиб, асар ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Шунингдек, тингловчилар ҳам муҳокамада фаол қатнашишди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги 61-мактаб ўқитувчиси Дилором Мадалиева ва Тошкент туманидаги 4-боғча тарбиячиси Манзура Мирзаеваларнинг китоб ҳақида билдирган илиқ фикрлари барчага манзур бўлди.*

**И. БЎРИБОЕВ.**

*Сулола — фахрим менинг!*

# ГУЛЛАРИМИЗ АРМУҒОН!

Ниҳол борки, зиёга интилади, зиёдан баҳраманд бўлиб яшаради, бўй кўрсатади. Инсон боласи учун эса ана шундай зиёбон — бу ўқитувчидир. У туфайли мурғак қалблар дунёни танийди, Ўз оламини кашф этади... Шундай сўзлар кунглимдан кечганида беихтиёр қалбим ғурурга тўлади, муаллимлар сулоласи вакили эканлигимдан фахрланаман. Сулола бошлиғи отам Далабой Турсунов, онажоним Ҳимолия Турсунова. Ҳар иккиси математика ўқитувчиси сифатида юзлаб шогирдларининг, ўзлари ишлаётган 119-мактаб жамоасининг, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келишаяпти. Улар муқаддас касб соҳиби сифатида 60-йилларда меҳнат фаолиятларини бошлаб, кейинчалик тажрибали ўқитувчи сифатида касбдошларига намуна кўрсатишганида биз фарзандлар жуда ёш эдик, ўқувчи эдик. Ўқитувчининг фарзандлари фақат аъло ўқиши, одоб-ахлоқда намуна бўлиши керак, деб тушунардик ва бунга қатъий амал қилардик. Билим олиш учун ҳам, билим бериш учун ҳам машаққатли меҳнат зарурлигини кейинроқ англаб етдик.

Отам ҳам, онам ҳам ўз дарсхоналарида узун тунлар китоб ўқир, дафтар текширар, ўтадиган дарсларига тайёргарлик кўришарди. Шунга қарамай, бизлар билан ҳам машғулот ўтказишга, баҳс-мунозара юритишга вақт топишарди. Ана шунда отам: «Ўқувчи мустақил фикрладими, демак, у билим эгаллашнинг йўлларини излаяпти, изланиш эса чуқур билим дебочасидир», дердилар. Онам бўлса: «Ҳар бир ўқувчи — ниҳол, уни меҳр билан парвариш қилиш керак», дердилар. «Шунинг учун, — таъкидларди отам, — муаллим ўқувчининг энг яқин дўсти, сирдоши бўлиб қолиши лозим. Ишонч қозонган муаллимгина ўқувчисининг чинакам мураббийсига айланади». Бу каби сўзлар биз фарзандларнинг хотирамизда муҳрланиб қолган десам янглишмайман ва ҳозирги педагогик фаолиятимизда ўзига хос мезон бўлаяпти. Эҳтимол, ана шундай баҳс-мунозаралар сабоғи, ота-онамизнинг намунаси мени, сингилларим Зурият, Дилбар (ҳар иккиси математика ўқитувчиси), Фазилат (рус тили ва адабиёти муаллимаси) педагоглик касбини танлашга ва эъзозлаб ишлашга чорлаган кучдир. Оилавий учрашувларда кўпинча буни таъкидлаймиз ҳам.

Ўтган сафар Мустақиллик байрами арафасида ота-онамни қутлагани уйга келганимда отажоним «Маърифат» газетасида чоп этилган «Иш билганга эл эргашар» мақоласини ўқиб ўтирган эканлар. «Қайта-қайта ўқиб чиқдим, — дедилар улар. — Бу мақола мактаб директорлари учун кўзгу. Ундаги фикрлар асосида қилган ишларингни таққосласанг, ютуғинг ҳам, камчилигинг ҳам яққол кўринади-қолади. Янги режалар, ғоялар туғилади кишида. Умид қилгинг, жўшиб ишлагинг, келажак эгаларини камол топтиришга бор кучғайратиннгни бағишлагинг келади».

Ҳа, дарвоқе отам кўп йиллар давомида 119-мактабга директорлик қилиб келяпти. Бу йиллар давомида мактаб тамоман ўз қиёфасини ўзгартирди. Фанларни ўқитиш тўлиқ кабинет системасига ўтди. Фан хоналари ЭҲМлар, таълимнинг замонавий воситаларига эга бўлди. Бу йил апрель ойида эса мактаб аттестациядан ўтказилиб, форс тили чуқурлаштириб ўргатиладиган 11 йиллик билим масканига айлантирилди. Отам — мактаб раҳбари Далабой Турсуновга эса «Олий тоифадаги мактаб директори» даражаси берилди. Бундай қадрланиш отамнинг педагогик ташкилотчилик ишидаги фаолиятига янада жўшқинлик бағишлаяпти.

Бугун биз — бутун оила аъзолари хонадонга жам бўлиб, уларни интизор бўлиб кутаяпмиз. Халқ таълими ходимлари куни ҳамда ўзлари таваллуд топган куннинг 60 йиллиги билан қутлашга тўпланганмиз. Ҳалигина шогирдлари — ўқувчиларидан бир гуруҳи гулдаста билан мактуб ташлаб кетишди. Танидим уларни — Республика фан олимпиадаси ғолиблари бўлган 119-мактабнинг собиқ ўқувчилари Нозимахон Абдураҳмонова, Зилола Неъматова, Наргиза Муҳаммадалиева, Насиба Ҳаммабоевалар. Бу қизлар энди Шарқ тиллари олийгоҳининг талабалари!

Қизлар мактубини дадамнинг иш столларига қўяй деб дарсхоналарига киргандим. Стол устида мактублар, шошилинч номалар, табриклар. Улар Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги, ҳатто чет эллардаги отамнинг шогирдлари, дўстларидан келган қутловлар. Китоб жавонида эса янги-янги китоблар...

Ҳали замон кўча эшиги очилади, қўлларида одатий муаллимлик папкасини кўтариб дадам келадилар. Ҳаммамиз қутлагани пешвоз чиқамиз!

Ҳуррият МИРОЛИМОВА,
Тошкентдаги 362-боғча тарбиячиси.

*Қутлов*

# ДЎСТИМНИНГ ШОДИЁНАСИ



«Ўрганиш — бир ҳунар, ўргатиш —икки ҳунар», дейди халқимиз. Бу кўҳна мақолнинг нечоғли тўғри топиб,айтилганлиги аввало ўз ҳаётий тажрибамдан, қолаверса... М нинг бир ажойиб дўстим бор. Болалигимиз бирга кечган, бир мактабда, бир синфда ўқиганмиз. Ва яна қирқ йилдан буён бир мактабда ишлаб келмоқдамиз. Бу болалик дўстим ва синфдошим ҳамда қирқ йиллик ҳамкасбимнинг исми-шарифи — Нуриддин Салимсоқов. Ҳаётим мобайнида учратган жонкуяр инсонлардан бири. Ҳамиша ўз касбини деб, мактабни деб куйиб-ёниб, изланиб яшайди. Юқоридаги гапга қайтадиган бўлсак, дўстимнинг ўз ишига нечоғли масъулият билан ёндошишини кузатиб, ўргатиш ҳақиқатдан-да икки ҳунар эканлиги кунглимдан кечади.

Дарвоқе, дабдурустдан дўстим ҳақида сўйлашга тушиб кетганимнинг боиси бор, албатта. Бугун Нуриддин Салимсоқовнинг қутлуғ айёми. Дўстим 60 ёшга тўлди. «Дўстингнинг байрами — сенинг байраминг» дейишганидек, менинг ҳам кунглим бугун фахр ва ифтихорга тўлиб турибди. Ва қутлов баҳона дўстим билан бир мақтаниб қўйгим келди.

Дўстим ўзининг муборак ёшини пиру бадавлат қаршиламоқда. Бугунги кунда у мактабимизнинг ишонган, фидойи ўқитувчиларидан бири, ёшларнинг севимли устози, оилада меҳрибон ота, ширин-шакар невараларининг буважониси, кечаётган ҳаётидан мамнун — шуларнинг ўзи бахт эмасми!

Айтганча, дўстимнинг таржимаи ҳоли ҳам қисқагина, лекин эътиборли: Тошкентда, ишчи оиласида туғилган. Иш фаолиятини ўзи ўқиган Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда кутубхоначиликдан бошлаган. Ишдан узилмаган ҳолда Тошкент Давлат Педагогика институтининг химия-биология факультетида, кечки бўлимда таҳсил олган. Ўқитувчилик қилган. Салкам йигирма йилдан бери мактабда илмий бўлим мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Зиёда Тўхтаева ўқитувчиликдан нафақага чиққан. 7 нафар фарзандлари бор. Қизлари ҳам ота-онаси ардоқлаган касбни эъзозлаб, турли мактабларда муаллимлик қилишмоқда. Эътиборли томони, Нуриддин Салимсоқов айни «тоғни урса талқон қиладиган» даврида — 20 ёшида ўзини мактаб ишига бағишлаган ва ҳануз мактаб хизматида. Ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Мана шу ғайрат-шижоатингиз йўқолмасин, ҳамиша эл ардоғида юринг, азиз дўстим!

**Ў. ЮНУСОВ,**
**Тошкент шаҳар, С. Раҳимов туманидаги 22-мактабнинг бош илмий бўлим мудири.**

*Айёмингиз муборак!*

# БАЙРАМ ЙЎҚЛАМАСИ

*1. МАКТАБДАГИ ҲАЁТИНГИЗНИ ЭСЛАБ ТУРАСИЗМИ?*
*2. УСТОЗЛАРИНГИЗ СИЗГА У ЁКИ БУ МАСАЛАДА КЕЛИШГАНМИ? ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРГАНСИЗ?*
*3. МУАЛЛИМЛАРГА ТИЛАКЛАРИНГИЗ?*

**Исомиддин РУСТАМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

1. Бизнинг ўқувчилик дамларимиз урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. 1945 йилнинг 1 сентябрида ўзим туғилиб ўсган Бахмал туманига қарашли Камар қишлоғидаги 7-ўрта мактабнинг 1-синфига Яраш Норқулов билан борганмиз. Ўша дамлар ҳамон ёдимда. Уша давр болаларининг кийиниши тамоман бошқача эди, портфел ўрнига китоб-дафтар соладиган халтача қўтариб борардик. Ҳозирги кунда ҳам С. Раҳимов номли мактабга бориб тураман. Мени ўқиттан устозим Гавҳар Раҳимовани ҳеч унута олмайман, чунки биз болакайларни жуда яхши кўрар, онамиз каби меҳрибон эди. Гавҳар Раҳимова ёзув тахтасига «О» ҳарфини чиройли қилиб ёзиб қўярди. Болаларнинг қувноқ ҳолда «О» товушини хор бўлиб жаранглатиб айтишлари ҳеч ҳам ёдимдан кетмайди. Яна бизларга химия фанидан дарс берган муътабар устозларимиз Эгам Хидировни ҳурмат билан тилга оламан, чунки ерга урса қўкка сакрайдиган болалар ҳам, Эгам акамни кўрсалар жим бўлиб қолар эдилар. Аслида унинг ўз фанини чуқур билишидан баҳраманд бўлар эдик.

2. Аввало, менга устозлик қилган, жарроҳлик илмининг нозик сирларини ўргатган киевлик академик Шалимов, академик Васил Воҳидов, Уктам Ориповларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан. Менинг 1969 йилда «Кесилган асаб томирларининг битиши» мавзусидаги фан номзодлик ва 1989 йилда ёзилган докторлик диссертациямни муваффақиятли ёқлашимда ва барча ҳаётий иш фаолиятимда уларнинг ҳар бир сўзи мен учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилган.

Устозларим келиб туришади. Касбимга тааллуқли ёрдамимни шу пайттача аяганим йўқ, бундан кейин ҳам аямоқчи эмасман.

3. Аввало, мактабнинг инсон ҳаётидаги ўрни, муаллимнинг шахс камолотидаги хизмати беқиёсдир. Муаллимлик машаққатли, аммо фахрли касб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар юртимиз, ватанимиз кўзгусидир. Имкониятдан фойдаланиб, халқ таълимининг барча ходимларини, олий ва ўрта махсус таълим муаллимларини устозлар ва мураббийларни, фидойи ўқитувчиларни касб байрамлари билан чин қалбдан қутлайман ва ёш авлодга таълим-тарбия беришдек эзгу ишларида улкан муваффақиятлар, мустаҳкам соғлик тилайман!

**Мусо АНОРБОЕВ,**
**Ғаллаорол туманидаги**
**«Гулистон» ширкатлар уюшмаси раиси:**

1. Инсон ўтган умрининг ҳар бир даврини ўзгача орзиқиш билан эслайди. Мактаб, ўқувчилик даврида кечадиган болалик, усмирлик, қолаверса, йигитлик паллаларини ҳеч ким унутмаса керак.

Айниқса, мактабларда бўлганимда (иш юзасидан тез-тез бориб туришимга тўғри келади) устозларим ўтган сабоқ, бирга ўқиган ўртоқларим, ўша даврга оид воқеаларни яққол хотирлайман.

2. Юқоридаги иш юзасидан тез-тез мактабларда бўлиб туришимни айтдим. Боиси хўжалигимиз ўз ҳудудидаги мактабларни оталиққа олган. Шунинг учун устозларим ҳам одатда мактабга оид юмушлар билан мадад истаб келишади. Қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Кўпинча ўзим бориб улардан хол-аҳвол сураб тураман.

3. Ҳар бир ота-она эрта билан фарзандини мактабга юборар экан, унинг деярли ярим куни мактабда ўтишини билади — боласининг мана шу умрини ўқитувчиларга ишониб топширади. Муаллимларга мана шу ишончни йўқотиб қўймасликни тилардим, токи ҳеч бир ота-она зинҳор «мактаб боламга нимаям берарди» деган хаёлга бормасин!

*Ґазета саҳифаланаётганда*

# ЖАЛОЛОБОДДАН ТАБРИКНОМА

Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида 73 та ўзбек мактаби бор. Унда таълим-тарбия олаётган 69.219 нафар ўқувчига 924 нафар педагог билим бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтишни истардикки, янги ўқув йилидан бошлаб мактабларни ўзбек тилида чоп этилаётган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Жалолобод вилоят таълим бошқармаси ўртасидаги алоқалар амалий изга туша бошлади.

1 октябрь ҳар икки жумҳуриятда маорифчилар байрами. Шу муносабат билан ўзбекистонлик барча таълим ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этамиз! Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли, эзгу ва шарафли ишларида бахт ва омад тилаймиз.

**Жалолободлик маорифчилар номидан Муяссар МИРЗОҲИДОВА, вилоят таълим бошқармаси ходими. Мавлуда ЙЎЛДОШЕВА, Навоий номидаги ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.**

# ҲИКМАТЛИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Бир донишманддан сўрадилар:

— Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю, энг ёмон нарса нима?

Донишманд жавоб берди:

— Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқли, тарбияли, саъй-ғайратли бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир.

— Энг ақлли одам ким?

Донишманд айтди:

— Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ҳисобланади.

***

Бир донишманддан: «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» — деб сўрадилар.

У жавоб берди:

— У жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — гўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу — жувонмардлар одати. Учинчи туркумдагилар оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар шеваси ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу — хасис ва пасткаш одамлар хислати.

***

Бир одам:

— Мен буюк бир шаҳар аҳлидандирман, деб мақтанди.

Арасту айтди:

— Бунинг аҳамияти йўқ, аммо сен буюк шаҳар одами бўлишга лойиқмисан ёки йўқми, ана шу аҳамиятга моликдир.

***

Арастудан сўрадилар:

— Одам билан қандай муомала қилишимиз керак?

Арасту шундай маслаҳат берди:

— Одамларнинг ўзингизга қандай муомала қилишларини истасангиз, уларга шундай муомала қилингиз.

***

Бир донишманддан сўрадилар:

— Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдинг?

Донишманд шундай жавоб берди:

— Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутакаббир бўлмадим.

Уялма маърифатни ўрганурдан,
Танир жойинг бўлур, қолсанг таниردан.

Аразлар...

ва ярашлар...

# КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

*ОНА: Ўғлим, яна битта сомса есанг, ёрилиб кетасан.*

*ЎҒИЛ: Майли, битта сомса узатинг-да, ўзингиз бу ердан нарироқ кетинг.*

***

*САРВАР: Онажон, кўчамиздан уйдай катта юк машинаси ўтиб кетди.*

*ОНА:Бунча муболаға қилмасанг? Ахир, миллион марта айтдим-ку, бу одатингни ташла, деб!*

***

*ОНА: Айт-чи ўғлим, даданг нарвондан йиқилганда, нима деди?*

*ЎҒИЛ: Ёмон, уят сўзларни айтмайми?*

*ОНА: Албатта,*

*ЎҒИЛ: Ҳеч нима демади.*

***

*ЭШМАТ: Онанг чўмилмаганингни қандай сезиб қолди?*

*ТОШМАТ: Совунни ҳўллаб қўйиш ёдимдан кўтарилибди.*

***

*УҚИТУВЧИ: Ўткир, сутли маҳсулотларга бешта мисол келтир.*

*ЎТКИР: Сариёғ, пишлоқ, музқаймоқ ва иккита сигир.*

*— Бугун ўқитувчининг саволига фақат мен: «Мен» — деб тўғри жавоб бердим.*

*— Яхши! Болам, қанақа савол эди?*

*— «Синфхона деразасини ким синдирди? — деб сўраган эди.*

***

*ОНА: Қизим, тушликдан олдин қўлингни ювдингми?*

*НИГОРА: Ҳа, ойижон. Ишонмасангиз, ана, сочиққа қаранг.*

**Н.ЖЎРАЕВА тайёрлаган. Булунғур тумани.**

*Ҳамкасблар ижодидан*

## ОЛАМ ЭНГ НУРАФШОН ҲИДГА ТЎЛАДИ

Ўзимнинг ўзимдан кўнглим тўлмади,
Чироқ атрофида чарх урар парвона.
Девона.
Сен йироқсан, бу нур — менга бегона.

Бир нуқтага термулган кўйи,
Илҳом ташрифини кутиб интизор,
Хаёл сарҳадларида
Сиймонгни учраттум такрор.

Шунда тарқаб кетадию алагда ҳолат,
Оловли соғинчинг қолади фақат.
Ва бўлмайди. Ёзиб бўлмайди.
Сенингсиз бу кўнгил сира тўлмайди.
Парвона...

Доно киши эса девонадан кулмайди,
Менимча — соғинч ҳам илм,
Шунинг учун соғинч ўлмайди.

**Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ,**
**Ғиждувон шаҳри.**

## ОЛАМ ЯШНАСИН КЎЗИНГДА

(Ўғлим Эргашга айтганларим)

Сени кўрса тилга кирсин муаммо,
Имконлар иш сўраб турсинг қаршингда.
Яшиндай чақнасин фикринг доимо
Юлдузлар нур олиб тошсин аршида.

Кўринсанг энтикар шодмон гулбоғлар
Жазирада эпкин эшар ҳар наҳр.
Не орзулар сенга умидин боғлар
Чўлда чаман ярат, эл очсин баҳрин.

Оламни тўлдириб туғён солиб юр,
Доим севинч чопиб юрсин изингдан.
Саҳоватта тил бер, юзин элга бур,
Милтиллаган ҳислар ёнсин ҳиссингдан.

Покиза виждонинг бўлмасин оқсоқ,
Қуртдай кемирмагай ич этинг иллат.
Қорачигингта йиғ, сен тунни ҳар чоқ,
Ерда қолдирмагай юкинг ул ҳиммат.

Шодликни-да шакли-шамойилин чиз,
Шаҳдинг етакласин гуррасу шиддат.
Айтса, Ватан, тоғ бағридан сувдай сиз,
Изингда бўлсин гул тутиб ҳар муддат.

Кўзингда яшнайди сенинг, бу олам,
Кипригинг муйқалам, гулзор—боғдон.
Кўрганинг кўркамлик, ёғдудан қалб, тан,
Дилингда хурсандлик айлар хиромон.

Мақсад манзилингта боравер дадил,
Бахтинг бўйинг билан усмоқда адл.

**Раҳим ОТАХОН.**
**Шовот тумани.**

# БЕШ-ОЛТИ КУН

**ҲИКОЯ**

Якшанба. Бугун ҳамма уйда. Негадир Шаҳлонинг кайфияти йўқ. У хонасига кириб ўйнамоқчи бўлди: бир пас кубиклардан зинапояча ясаб кўрди. Ёқмади. Қўғирчоғини ҳафсаласиз қўлига олди. Бундан ҳам кўнгли тўлмади.

Хамир қораётган аясининг олдига бориб: «Мен ҳам ёрдамлашай», деди Шаҳло. Аммо аввалгидек лойга ўхшаб турли шаклар ясашдан ҳам зерикди. Шу пайт кўча томонда машина тўхтагандек бўлди. Шаҳло эринибгина дарвозани очди. Кўзларига ишонмасди. Кўчада Собир тоғасининг машинасидан энгашиб унинг бувижониси тушиб келарди. Қўлида ҳасса. Орқада Шаҳлонинг тоғаси каттакон тугун кўтариб олган. Севинчдан кўзлари чақнаб кетди:

— Бувижоним келяптилар.

Шаҳло узоқдаги қишлоқдан келган бувисини шунақаям яхши кўрадики. Ўзига қолса боғчага бормай, доим уларникида юрарди. Шаҳло бувисиникида сира зерикмайди. Ёз кунлари аяси уни баъзан қишлоққа уч-тўрт кун қолдириб келарди.

Хосият буви у ерда ўғли Собир, келини Фарида, набиралари Наргиза, Алишерлар билан яшайди. уларнинг катта, тўрт хонали уйлари бор. Хосият бувининг хонасидан райҳонга ўхшаш қандайдир ёқимли ҳид димоққа урилиб туради. Токчада идишлар дид билан терилган. Тўрда Шаҳлонинг бувиси тушган расм бор. Хосият бувиларнинг катта боғида турли меваларни кўриш мумкин. Шаҳло бувисиникида бўлган кунларини эсласа, нега ўшанда туксиз шафтоли, атлас олма, нашвати — ўриклардан тўйиб-тўйиб еб олмаган эканман, деб ачинади.

Бувисининг пазандалигинию чеварлигини айтмайсизми. Қатиқдан куви пишиб, сариёғ тайёрлайди. Тандирда ширин кулча, сомсалар ёпади. Кўкламда Алишер, Наргизаларга ялпиз тердириб келади. Пиширган овқатидан ялпиз, бошқа кўкатларнинг ҳиди келади. Шаҳло меҳмонга борганда бувижониси унга атаб бежирим кўйлаклар тикиб беради. Бугун ҳам Хосият буви тугунда набирамга деб ёнғоқ, ширмой нонлар келтирипти. Шаҳло хурсанд эди. Бувисининг орқасига пар ёстиқ қўйган, иссиқ чой келтирган. Энди уни ўйинчоқлар ҳам, ўртоқлари билан кўчада юриш ҳам қизиқтирмасди. Бувиси келиши билан Шаҳлоларнинг уйи бошқача файзга киргандек эди. Ҳаммалари кечқурун овқатланганч, Шаҳло мен бувим билан ухлайман, деб аясига ялинди.

— Бувинглар узоқ йўл босиб, чарчаб келганлар. Сен кечаси ёмон ухлайсан, кўрпангни тепиб уйқу бермайсан, — деди Замира опа.

— Набирамни соғинганман. Бирга жой солавер, — деди Хосият буви.

Замира опа уларга жой солиб берди. Чироқ ўчган. Шаҳлонинг сира уйқуси келмасди.

— Бувижон беш-олти кун дегани қанча?

— Нега бунақа деяпсан?

— Ўзингиз ҳали тоғамни жунатаётганда, беш-олти кундан кейин олиб кетарсан, дедингиз-ку.

— Ҳа, шундай демайсанми, думбоғим, беш-олти кун дегани анча.

— Бувижон, сиз ҳечам кетманг, биз билан туринг.

— Майли, энди ухла. Азонлаб туролмай қоласан, — набирасининг пешонасидан ўпиб, сочларини силаб қўйди Хосият буви.

— Бувижон, мен сизга кимман?

— Неварамсан.

— Нега қизим демайсиз?

— Чунки, аянг менинг қизим бўлади.

— Қайси бири яқин, набирами, қизми?

— Иккаласиям.

— Тоғам, кеннойимлар-чи? Улар сизга ким?

— Улар менинг болаларим.

— Аям-чи, сизга энг яқинми, айтинг.

— Аянг, даданг, тоғанг, кеннойинг — фарзандларим. Наргиза, Алишер, сен набираларимсизлар. Ҳаммангилар бирдай яқин кишиларимсизлар. Тушундингми?

— Унда нима учун бизникида қолмайсиз?

— Бунинг иложи йўқ.

— Демак, сиз бизни унчалик яхши кўрмас экансиз-да?

— Жуда яхши кўраман. Лекин биласанми, мен Собир тоғанг билан бирга бўлишим керак.

— Нимага аям билан эмас?

— Бунинг тарихи узоқ. Илгари болалар сенга ўхшаб боғчага бормасди. Катталар ишдан қайтгунча кўча чангитиб юрарди. Тоғанг беш ёшлигида қаттиқ шамоллаб қолган. Шу касаллик туфайли Собиржон кўп азоб кўрди. Ҳалигача мен унга ялпиз, наъматак деган ўсимликлардан дори тайёрлаб, ичириб тураман.

Сиз оқ халатли доктормассиз-ку.

— Қариялар кўп нарсаларни ўзи билаверади.

— Касал одам дори аччиқ бўлсаям ичаверадими?

— Албатта ичаверади.

Шаҳло ўзи касал бўлиб қолганда, аясининг ёлвориб ҳам дори ичира олмаслигини эслади, аммо бу ҳақда бувисига индамади. Бир оздан кейин у бувижонисининг пинжига кириб, ғадир-будир қўлларини ушлаб уйқуга кетди.

Эртасига боғчада вақт жуда секин ўтди. Машғулотдан кейин болалар сайрга чиқишди. Одатда, бу улар учун байрам эди. Кейин, болалар майдончасида ўйнардилар. Қий-чув қилаётганлар ичида фақат Шаҳло хомуш эди. Уни на қум титкилаётганлар, на қўғирчоғига алла айтиб, хола-холакам ўйнаётганлар қизиқтирарди. Нуқул панжарадан уйи томонга қарайверарди, тезроқ бувижонисининг олдига боргиси келарди. Тушликдан сўнг ювиниб келган болалар ўз каравотларига ётдилар. Боғча опа буюрди:

— Ҳамма ўнг томонга ёнбошлаб, кўзларини юмсин.

Кўзларини юмган Шаҳло ўзини бувижониси билан ҳис қиларди. Қандай яхши, меҳрибон бувижоним борлар-а, — деб ўйларди у.

Замира опа ишдан қайтаётиб, қизини боғчасидан уйга ола кетди. Шаҳло югуриб бувиси ўтирган хонага кирди. Унинг кўзига бу хона янада кўркамроқ бўлиб кўринди. Хосият буви кўзойнак тақволиб кўрпа қавиб ўтирарди. У ўзи шунақа, тиниб-тинчимас, ажойиб инсон. Ҳеч бекор ўтирмайди. Бу сафар ҳам унинг ўзи қизидан бирон менбоп иш топиб бермасанг, ҳовли-жой тор, каталакдай бу уйда юрагим тарс ёрилиб кетади, деб шу ишга киришган эди.

Замира опа онасига иссиқ чой дамлаб келди. Ярим соат у ёқ—бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Шаҳлонинг аяси ошхонадаги ишларга киришди. Шаҳло эса, яна бувижониси билан бирга. У яна бижирлай кетди:

— Бувижон, сиз қачондан бери бувисиз?

— Сиз набираларим туғилгандан бошлаб, деди буви нинага ип ўтказар экан.

— Биз туғилишимиздан аввал-чи?

— Қачон?

— Аям мендекликларида.

— Унда ая бўлганман.

— Ундан олдин-чи?

Хосият буви кулиб қўйиб кўзойнагини ечди-да, ёшланган кўзларини рўмолчага артди:

— Ундами, у пайтлар жуда ёш бўлганман. Кўзойнак тақмасдим, анавинга ҳам суяниб юрмасдим, деб бурчақдаги ҳассага ишора қилди.

— Бувижон, демак сиз ҳам менга ўхшаган қизча бўлган экансизда?

— Албатта, қўзичоғим.

— Боғчагаям бормаганмисиз, ҳеч ким каша егин, деб зўрламаган. Мазза бўлган экан-да.

— Ҳа, биз доим уйда бўлардик. Тошчалар йиғиб сопалак ўйнардик. Тол баргидан сочбаргак қилардик.

— Менга ҳам ўргатинг бувижон.

— Кунлар исиб кетсин, уйимга боганингда ўргатавераман, қизалоғим.

Шаҳло суюниб кетиб дастурхонни йиғиштирди-да, бурда нонларни ўраб қўйди. Пиёлаларни чайиб, устига дока ёпди. Буни ҳам унга бувиси ўргаттан. Челакдаги сув идишнинг, товоқларнинг усти ёпиқ бўлиши керак. Бўлмаса шайтон ялаб кетади, — деб тушунтирганди Хосият буви.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА.**
**Янгийўл тумани.**

*Шахмат оламидан*

# ТУРФА ГАПЛАР

**«ДОНОЛИККА ЎРГАТАЯПТИ»**

Машҳур итальян математиги, файласуфи ва шифокори Жероламо Кардано (1501—1576) 24 ёшида шахмат бўйича олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида асар ёзади. Аммо унинг бу иши бизгача етиб келмаган. Кардано билдирган мулоҳазалардан фақат биттасигина сақланиб қолган. «Шахмат инсонга ўзининг қизиққонлигини сақлаш, истакларини имкониятлар билан қиёслашда кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, шахмат доноликни ўргатади».

**ҲАҚҒЎЙ ҚИРОЛ**

Бирманинг кўҳна қайдномасида ёзилишича, 1247 йилда тахтга ўтирган қирол Нерат рафиқаси билан ҳар куни шахмат ўйнар ва кетма-кет уч бор мот бўлганидан сўнг аслида у эмас, балки хотини тож соҳиби бўлиши кераклигини таъкидлар экан.

**НАПОЛЕОННИНГ СЎНГГИ ХАТОСИ**

1816 йил ўтаётган эди. Муқаддас Елена оролига умрбод бадарга қилинган Франциянинг собиқ императори Наполеон Банопарт ўзининг яқин дўстларидан совға олди. Бу совға доналари фил суяги ва нефритдан ясалган шахмат эди. Наполеон ҳар куни бу нозик шахмат доналарини қўлига олар ва завқланарди. Кейин эса ўзи билан ўзи ўйнарди. Машҳур маҳбус вафот этганидан сўнг бу шахмат бир неча бор ким ошди савдосида жуда қимматта сотилиб, қўлдан қўлга ўтиб юрди. Фақаттина яқинда энг кейинги эгаси тўсатдан доналардан бирининг тагини буралиб очилишини, унда оролдан қочишнинг батафсил плани борлигини билиб қолди. Наполеон шу шахмат донасининг тагини очиб унга қўйилган пландан фойдаланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тақдир Наполеонни яна бир бор мот қилди, деб ёзади Швецияда чиқадиган «Дагенес Нюхетер» газетаси.

**Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.**

Жиззах вилояти Фориш туманидаги А. Боқиев номидаги 79-ўрта мактаб жамоаси мактаб директори Эргаш Саидхоновга фарзанди
МИРЗОҲИДЖОНнинг
фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими, фан ходимлари касаба уюшмаси, Чилонзор тумани ҳокимлиги тумандаги 270-ўрта мактаб жамоаси ҳарбий таълим фани ўқитувчиси
Жумабек ДОСИМОВ
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Турон чечаклари» ансамбли жамоаси ўзбек давлат филармонияси ёз устаси Мамасоли Холматовга отаси
Аҳмадали ХОЛМАТОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«МАЪРИФАТ»
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0401. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6